

У шубҳасиз, ўз асрнинг тенги йўқ имомидир



11:00 / 23.08.2023 2921

Жонажон диёримиз қадим-қадимдан битмас-туганмас маънавий меросларни ўзида жам этган, Ер юзидаги илм-фан ривожига ҳисса қўшган сон-саноксиз уламоларни етиштирган муқаддас маскан, илм-маърифат бешиги десак хато қилмаган бўламиз. Биргина Термиз шаҳрини мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, олимларнинг олиб борган тадқиқотларига кўра Термизий номи билан машҳур бўлган уламолар адади жуда ҳам кўп экани шу заминда истиқомат қилаётган ҳар бир кишида ифтихор ҳиссини уйғотади.

Термизлик уламолар ҳақида гап кетар экан биринчи бўлиб Абу Исо ат-Термизий ҳақида сўз очмасликнинг иложи йўқ. Шу боисдан ҳам у зотнинг ҳаётлари, илм таҳсил қилиш йўллари ва бизларга қолдирган бой илмий

мероси борасида топганларимизни сизлар билан баҳам кўраимиз.

Исмлари: Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳокдир.[1]

Баъзи маълумотларда, Муҳаммад ибн Исо ибн Язид ибн Савра ибн Сакан[2] деб келтирилса, бошқалар Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Шаддод деганлар.[3] Аллома Ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ ибн Исо деб қўшимча қилганлар.[4]

Аммо алломанинг тўлиқ ва мукамал исмини Муҳаммад ибн Исо ибн Саврадир, деб тарихчи олимлар келтирганлар ва шунга кўпчилик томонидан иттифоқ қилинган.[5]

У зотнинг исмига “Язид” деган қўшимчани Миззий ўзининг “Таҳзиб ал-камол” китобида келтирган.[6] Бироқ, у бу маълумотни кимдан олганлигини келтирмаган. Ундан олдин боболарининг исmlарини келтирган. Шу маълумотлар Ибн Касирнинг “Ал-бидоя ва ан-нихоя” асарида ҳам мавжуд.

Нисбалари: Термизий, Буғий, Заририй, Сулабийдир.

Термизий деб нисбат берилиши Термиз шаҳрига нисбатандир.

Буғий нисбалари эса, Термиз шаҳридан олти фарсах узоқликда жойлашган Буғ (ҳозирги Шеробод тумани) қишлоғ бўлиб, Имом Термизий у ерда вафот этиб, ўша жойга дафн этилгани учун ушбу ном қўшилган.[7]

Заририй тахаллуси аллома умрининг охирларида кўзлари ожиз бўлиб қолганлиги учун қўйилган.

Сулабий нисбалари машҳур араб қабилаларидан бўлган Сулайм ибн Мансурга нисбатан берилган.[8] Сулайм ибн Фаҳм ибн Ғонамга нисбатан эмас. Ҳофиз Юсуф ибн Аҳмад Боғдодийдан нақл қилинишича, алломанинг боболари Марвлик бўлиб, Абу Лайс ибн Сайёр даврида Термизга кўчиб келиб қолишган.

Куняларига келсак, Абу Исо эканига ҳеч ким ихтилоф қилган эмас.

Туғилишлари: Имом Термизий ҳижрий учинчи асрда, аниқроғи ҳижрий 209 йилда таваллуд топганлар.

Ҳофиз Заҳабий “Сияр аълам ан-нубало” асарида У зотни ҳижрий 210 йил атрофида туғилган десалар,[9] Халил ас-Сифдий эса “ал-Вофий би ал-вафоёт” китобида “икки юз нечанчи (ўнгача бўлган санокни назарда тутган) йилда туғилган”, деб айтган.[10]

Ҳофиз Ибн Асир “Жомеъ ал-усул” китобида ҳижрий 209 йил туғилган деб айтган.[11] Мазкур маълумотни Муҳаммад ибн Қосим Жассус ҳамда Сулаймон Жамал ўзларининг “Шамоил”га ёзган шарҳларида, Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Амир “Фихрист”ида, Муҳаммад Абдулхай Лакнавий Саййид Шариф Журжонийнинг “Мухтасар”ига ёзган “Зофар ал-амоний”[12] номли шарҳида келтирганлар.

Имом Термизийнинг туғилган жойлари ҳақида манбаларда аниқ равшан келтирилмаган. Аниқроғи У Зот ўзи нисбат берилган шаҳарда туғилганлар. Негаки, у зотнинг туғилганлик нисбати бошқа ҳеч бир жойга берилмаган, валлоҳу аълам.

Имомнинг кўзи ожиз ҳолда туғилган, деган гапга келсак, бу гап “Имом Термизий маноқиблари ва имомларнинг у зот ҳақидаги мақтовлари” деб номланган қисмда Термизийнинг зеҳни ўткирлиги борасида келтириладиган қисса сабабли йўққа чиқади. Қиссада оқ вараққа қарар эдилар, умрининг охирларида кўзлари кўрмай қолган, деб айтилган. Биз қуйида келтирадиган уламоларнинг сўзлари ҳам ушбу маълумотни тўғри эканини тасдиқлайди:

Ҳофиз ибн Юсуф Аҳмад ал-Бағдодийнинг: “Имом умрининг охирида кўзлари кўрмай қолган”[13], деган.

Ибн Касир: “Термизийнинг ҳолидан шуниси аён бўладики, кўзи ожизлик

унга (кўп) юргани ва тинглагани, ёзгани ва ёдга олгани, текширгани ва тасниф этганидан сўнг етган”[14], деб айтган.

Ҳофиз ибн Ҳажар ал-Асқалоний ҳам ўз “Таҳзиб” номли асарида келтирган фикр ҳам худди шундайдир.

Ҳофиз ибн Ҳажар Абу Аҳмад ал-Ҳокимнинг шундай деганини нақл қилади: “Умар ибн Илқнинг “Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этди.

Ўзидан кейин Хуросонда илм ва тақвода Абу Исога тенг келадиган меросхўр қолдирмади. (Абу Исо Бухорийнинг ўлими сабаб кўп) йиғлади, сўнг кўзи ожиз бўлиб қолди”, - деганини эшитдим.[15]

Илм талаби: Бошқа муҳаддис уламолар каби Имом Термизий ҳам илм талабида кўплаб шаҳарларда бўлганлар. У киши Ҳижоз, Басра, Куфа, Бағдод, Рай, Хуросон юртларида ҳадис эшитган. Шу маънода Ҳофиз Абу Бакр ибн Нуқта ўзининг “Ат-Тақйид ли маърифат ар-рувват ас-сунан ва ал-масанид” асарида шуни айтиб ўтган ва уларнинг баъзиларини исмини ҳам келтирган.

Ҳофиз Миззий айтади: “Термизий шаҳарларга сафар қилди ва Хуросонликлар, Ироқликлар, Ҳижозликлар ва улардан бошқа жуда кўп шайхлардан ҳадис эшитган”[16].

Имом Термизий Миср ва Шомга сафар қилмаган. Балки, бу юртларнинг шайхларидан билвосита ривоят қилган. Доктор Нуриддин Иттр айтади: “Миср ва Шом шаҳарларига Термизийнинг кирмагани тасодифан эмас. Бунга сабаб ҳолатлар ва фитналарнинг ғалаёни бўлгани бўлса не ажаб!”. Яна қўшимча қилиб шундай дейди: “Тўғрироғи шуки, Имом Термизий Бағдодга ҳам келмаган. Агар у Бағдодга кирганда буюк имом Аҳмад ибн Ҳанбалдан ҳадис эшитган бўлар эди. Лекин Термизийни у кишидан ҳадис эшитгани ҳақида хабар келмаган. Бу гапни Хатиб Бағдодий ўзининг “Тарихи Бағдод” асарида Термизийни зикр қилмаганлигидан билиб оламиз”[17].

Бу ҳақда бошқа қараш ҳам бор. Ибн Нуқта ўзининг “Тақйид” асарида имом

Термизий Бағдодда Ҳасан ибн Сабоҳ, Аҳмад ибн Ҳассон ибн Маймун, Аҳмад ибн Маниъ, Муҳаммад ибн Исҳоқ ас-Соғонийдан ҳадис ривоят қилган.

Устозлари. Имом Термизий жуда ҳам кўп шайхлардан ҳадис ривоят қилганлар. Агар Термизийнинг ҳадис ривоятидаги қайси шаҳарларга сафарлари саҳифаларини варақласангиз, у кишининг шайхлари икки юзлаб бўлганига гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Имом Бухорий ва Имом Муслимларга битта шайх (устоз)да шерик бўлган. Шунингдек, Имом Бухорийнинг ўзига бир қанча шайх (устоз)ларда, Имом Муслимга эса бошқа Имом Бухорий улардан ҳадис тингламаган бир неча шайх (устоз)ларда шерик бўлган. Шу билан бирга, Имом Термизий бешта муҳаддисдан алоҳида ҳолда ўзи яқка қирқ иккита шайхдан ривоят қилган.

Имом Термизий бешта машҳур муҳаддис – имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий ва Ибн Мажалар улардан ривоят қилган тўққизта шайхдан ҳадис айтган. Улар:

Муҳаммад ибн Башшор Набдор, Муҳаммад ибн Мусний Абу Мусо, Зиёд ибн Яҳё ал-Ҳасаний, Аббос ибн Абдулазим ал-Анбарий, Абу Саъид ал-Ашаҳ Абдуллоҳ ибн Саъид ал-Киндий, Абу Ҳафс Амр ибн Али ал-Фаллоҳ, Муҳаммад ибн Муъаммар ал-Қайсий ал-Баҳроний, Яъқуб ибн Иброҳим ад-Давроқий, Наср ибн Али ал-Жаҳзомийлардир.

Имом Термизий Имом Бухорийга шогирд тушиб, Узотдан ҳам ҳадис ривоят қилган.

Имом Абу Исо Термизий илм учун сафарбар қилинган, ҳадис илмини эгаллаш ва ёзиб қолдириш истагида сафарлар билан кечган мазмунли умрдан сўнг ҳижрий 279 йил, ражаб ойида Термизга қарашли, ундан олти фарсах узоқликда жойлашган Буғ қишлоғида Роббилари ҳузурига риҳлат қилдилар.

Уламоларнинг у зот ҳақида айтилган сўзлари:

Абу Саъд ал-Идрисий ал-Ҳофиз айтади: “Муҳаммад ибн Ийсо ибн Савра ибн Мусо ибн Заҳҳак ас-Суламий ал-Ҳофиз аз-Зарир (кўзи ожиз) Термизий

ҳадис илмида эргашиладиган имомлардандир. Жомеъ, тарих, илал борасида ёзган асарлари ҳақиқий моҳир олим кишининг китобидир. У кишининг хотиралари зарбул масал қилинган”.

Ҳофиз Абу Яъло ал-Холилий: “Абу Исо.... ишончли, унга (уламолар томонидан) иттифоқ қилинган. Омонатдорлик ва илми билан танилган”, деган.

Ас-Самъоний шундай дейдилар: “У шубҳасиз, ўз асрнинг тенги йўқ имомидир.

Ибн Асир Жазарий айтадилар: “У Имом Ҳофиз эди. Ва чиройли таснифлари бор эди. Ҳадис фани бўйича китоблари кўп бўлиб улардан машҳури “Ал-жомеъ ал-кабир” китобидир”.

Яна айтадиларки: “(У зот) машҳур ҳофиз олимлардан биридир. Ва фикҳда ҳам забардаст эдилар”.[18]

Абул Фидо айтадилар: “У Ҳофиз, имом, шу қаторда кўзи ҳам ожиз эдилар. Ҳадис илмида унга эргашиладиган улуғ имомлардан эди”.[19]

Ҳоким Абу Аҳмад айтадилар: “Умар ибн Илкнинг бундай деганларини эшитдим: “Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этди. Ўздан кейин Хуросонда илм ва тақвода Абу Исо (имом Термизий)га тенг келадиган меросхўр қолдирмади .

(Абу Исо Бухорийнинг ўлими сабаб кўп) йиғлади, сўнг кўзи ожиз бўлиб қолди”.[20]

Абу Фазл Ал-Байламаний айтади: “Наср ибн Муҳаммад аш-Шеркуҳийнинг: “Мен Муҳаммад ибн Исо ат-Термизийнинг Муҳаммад ибн Исмоил менга сен мендан фойдаланганиндан кўра, мен сендан кўпроқ фойда олдим, дедилар”,- деганларини эшитдим”-деган.[21]

Абу Хотам ибн Ҳиббон: “Термизий ҳадисларни жамлаган, ёзган, уларни ёдлаб айтиб бергувчи зокирлардан эди”,- деган.[22]

Исъардий айтадилар: “Абу Исонинг кўп фазилатлари бўлиб, улар бошқалар томонидан тўпланиб, ривоят қилинган ва кўпчилик бу хабарлардан воқиф эди. Унинг китоби мақбул, боблари ва фасларида келтирилган ҳадислар саҳиҳ эканлигига улуғ олимлар, фазилатли шайхлар, фақиҳлар ва ўз илмининг билимдони ҳисобланган ҳадис ҳофизлари иттифоқ қилган беш китобнинг биридир”.[23]

Ҳофиз Абул Ҳажжож ал-Миззий айтади: “Абу Исо машхур ҳофиз имомларидан бири ва Аллоҳ у билан мусулмонларни фойдалантирган инсондир”.[24]

Абу Жаъфар ибн аз-Зубайр айтади: “Ҳадис фанига оид илмларда Термизийга бирор кимса тенглаша олмаган”.[25]

Мулла Али ал-Қорий: “(У зот) Ҳужжат (деб номланган, айтгани суриштирилмасдан далил бўладиган) ягона имом. Ишончли, моҳир ҳофиздир”,[26]- деб айтган.

Ибн Аммоод ал-Ҳанбалий Термизий ҳақида: “Ибн Исо замондошлари орасида энг машхур, кучли хотира ва моҳирликда эса мўъжиза эди”[27], деганлар.

Олимлар ва ҳофизлар томонидан Имом Термизий ҳақидаги айтилган бу мақтовлар у зотнинг ҳадис илмида пойқадами қутлуғ, юрган йўли тўғри, табаррук, салафи солиҳларнинг ишларини пухта ва ишончли эгаллагани ва бундан ташқари тақво ва зуҳдда тенгсиз эканига уламолар иттифоқ қилганини кўрсатиб беради. Имом Бухорийдек муҳаддислар султонининг Имом Термизийдан ҳадис ривоят қилгани ва “Сен мендан фойдаланганингдан кўра, мен сендан кўпроқ фойда олдим”, деган сўзлари Имом Термизийнинг мартабалари нақадар баланд эканига далолатдир.

Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома, ватандошимиз Абу Исо Термизий (Имом Термизий) ва Термизий тахаллуси билан ижод қилган алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганиш, муқаддас юртимиз замини азал-азалдан улуғ алломалар, азиз-авлиёлар

ватани бўлиб келганини юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори аввало халқимиз, қолаверса барча илм аҳлларига қувончли хабар бўлди. Мазкур ўз вақтида чиқарилган Қарор улуғ аجدодларимиз ва уларнинг илмий меросини тадқиқ қилиш ва абадийлаштириш йўлида барча илм аҳлларига куч-ғайрат, шижоат бағишлайди, деган умиддамиз.

Жалолиддин Ҳамроқулов

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.